

# ДЕТЕКТИВ АСАРЛАР

(Bundan keyin asarlar mundarijasiz taqdim etiladi. Bu asarlardagi tenglikni belgilab beradi)

Исмоил Шомуродов

## «ТОПИЛМА» КИМНИКИ?

-- Воқеа жойини кўздан кечириш керак эмиш.

- Нимасини кўздан кечиради? Катта даҳанинг чиқин-ди-си тўкилган ахлатхона бўлса. Сассикдан бурни жийи-ри-либ, нима қидиради?

Олим хуноб бўлганича бор. Ўнтага яқин қути турибди. Ҳаммаси тўла. Бунинг устига, челаклаб келтиришяпти. У шу ёшга кириб энди билияпти — чиқинди чиқариш инсоният учун узлуксиз жараён экан.

Ҳаммаси кимдир ахлат қутисидан инсон оёғини топиб олганидан бошланди. Яна бир қотиллик!

Прокурор шу ерда, ички ишлар бўлими бошлиғи шу ерда. Жиноят иши кўзғатилган, тезкор-тергов гуруҳи ишлаяпти, ҳамма оёққа турган. Ҳали тананинг қолган қисми топилмаган.

Ортиқ ака ёнига тўрт-беш йигитни олиб, бошқа ахлатхоналарни кўздан кечириш учун кетган. Аслида у шум эмас, лекин шумлик қиламан дейди-ю, эплотмайди. Ҳозир ҳам бу ерда Олимни қолдириб, ўзи жуфтакни ростлади. Ўйладикки, маза қилади. Фақат мана бу ерда турмаса, бас. Олим эса ёш бўлсаям билади-ахлатхонанинг ҳиди барча жойда бир хил. Буни англаш учун лўкиллаб шаҳар кезиш шарт эмас.

Оёқ тиззадан қирқилган экан, эркак кишиники бўлса керак, деган хулосага келинган.

– Қотиллик шу яқин атрофда яшайдиган хонадонлар-дан бирида содир этилган, – деган хулосага келди бўлим бошлиғи. – Олим, участкавой билан нотинч хонадонларни текшириб чиқинглар.

Профилактика инспектори шу ерда оқариб турган эди, бу топшириқдан севиниб кетди. Прокурор ҳам шу ерда, генерал ҳам. Яна қанча раҳбарлар бор. Ҳар бири ча-қириб, уришиб қолиши мумкин. Узокрокда юргани маъқул.

Милиция таянч пунктида икки ходим анча пайтгача қоғоз титкилади. Рўйхатларни олишди, ким нимага қодир, таҳлил қилишди. Бу орада Ортиқ ака икки бора қўнғироқ қилиб, вазият билан қизиқди. Жонажон шо-гирди хонада ўтириб, қоғоз титаётганини эшитиб, анча жаҳли чиқди.

– Тит, тит, – деди қўрслик билан. – Штаб бошлиғига ўхшаб қопсан. «Қоғозсиз ҳаёт жоҳилликдир», деб пешанангга ёзиб ҳам ол.

Олим устознинг гапига эътибор бермади. Профи-лак-тика инспектори билан биргаликда, шу атрофдаги жан-жалкаш, нотинч оилаларни текширишга киришди.

Орадан уч соат ўтиб, тўққиз қаватли уйнинг еттинчи қаватида яшовчи оилада кечаси жанжал бўлганидан хабар топишди. Қўшнилари айтди. Ярим кечагача уйқу бермаган эмиш. Ўзлари эса эшикни очмади. Ҳеч ким йўққа ўхшайди.

– Наҳотки шулар?! – ҳаяжон билан профилактика инспектори эшикни қаттиқроқ тақиллатди. – Бу ерда кампир, унинг ўғли ва келини яшайди. Ўғли алкаш, ҳеч қаерда ишламайди, кампирнинг пенсиясига яшайди. Келин ҳам эридан қолишмайди... қўшмачилиги учун судланган, шартли. Икки киши бўлиб кампирни гум қилишдимикин?

Профилактика инспектори шу гапни айтиб, ўзи қарши чиқди:

– Йўқ, иккаласи унинг пенсиясига яшайди, ўзлари ўтирган шохни кесадиган даражада аҳмоқ эмас булар. Кампир билан ўғил бир бўлиб келинни...

– Эркакнинг оёғи дейишаётувди.

– Унда... қайнана-келин бирлашиб...

– Эй, сизнинг тусмолингиз ҳам кўп экан-да, – Олимнинг жаҳли чиқди. – Эшикни тақиллатинг.

Ниҳоят ичкаридан аёл кишининг хириллаган бўғиқ овози эшитилди:

– Ким?

Эшик очилди. Унинг ортида турган аёлга кўзи тушиб, Олимнинг эти сесканиб кетди — арвоҳни кўргандай бўлди: уй бекасининг чап кўзи ўртача олмадай шишиб кетган, сочи ўлган итнинг жунидай тўзғиган, қўллари қалтиради.

– Эринг қани? – сўради профилактика инспектори.

– Ўлган! – деди аёл жаҳл билан.

Профилактика инспектори Олим билан кўз уриш-тириб олди. Уям, Олим ҳам бунақа жавоб бўлишини кутмаган эди, нима дейишини билмай довдирашди.

– Қандайсига? – сўради Олим ниҳоят.

– Шунчаки, ҳаром қотди, – деди аёл кўкариб, шишган кўзини бекитиб.

– Танасини кўрсак бўладими? – сўради Олим.

– Ўзи билан олиб кетган, – деди аёл.

Олим профилактика инспекторига боқди:

– Жинни эмасми бунингиз?

Профилактика инспектори елка қисди:

– Ира, – деди аёлга боқиб. – Аҳмоқгарчиликни бас қил, эринг қани?

– Қайдан биламан? – деди иддао билан Ира. – Кеча дўппослаб, дўппослаб чиқиб кетди.

– Кампир-чи?

– Кенжа ўғлиникига кетган.

Профилактика инспектори савол назари билан Олимга боқди.

– Бунақа қараманг, ўзимнинг ҳам бошим қотди, – деди Олим ва Ирага юзланди. – Нега уришдиларинг?

– Ҳар доимгидай ичкиликнинг устида. Мен яримта топиб келдим, кампирнинг кетганини байрам қилмоқчи эдик. Саша ичгандан сўнг жанжал кўтарди. Мени бузуқликда айблади. Радик билан уришмоқчи бўлди, ёнини олгандим, мени дўппослади.

Олим хонадонда бўлиб ўтган воқеани кўз олдига келтирди: аёл Радик билан бирга ароқ олиб келган, ичишган, сўнг эркакларнинг ғурури кўзиб, жанжал кўтарган. Фақат ким кимни?!

Иккаласи хонадонга кириб, атрофни кўздан кечириш-ди. Қотиллик аломатлари деярли йўқ. Фақат йўлакда икки томчи қон доғи топилди, холос.

– Нима қиламиз? – профилактика инспектори Олимга мурожаат қилди. – Хабар берамизми?

Олим елка қисди. Шу пайт унинг қўл телефони жи--ринглади. Ортиқ ака экан. Бор гапни эшитиб, ховлиқди.

– Ҳозир етиб бораман, – деди у манзилни сўраб олгач. – Унгача бир нима қилмай, мени кутинглар.

Ортиқ ака етиб келгунча Олим жим ўтирмади, хоналарни кўздан кечирди. Радик ҳақида сўради, кампирнинг кенжа ўғли қачон кетгани, Саша қайга кетгани билан қизиқди.

Ортиқ ака ҳаллослаб келиб, қон изларига боқиб, бўлган гап-сўзларни эшитиб, хулоса қилди:

– Қотиллик шу ерда юз берган!

Олимдан фикр сўрамасдан бошлиққа кўнғироқ қилди ва жиноят деярли очилгани, жабрланувчининг шахси аниқланганини айтди. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас хонадон одамга тўлиб кетди. Экспертлар келиб, ҳаммаёқни суратга туширди, қон доғларини олди. Ира эса дов-дираб нима деярини билмай қолди.

Олим эса сирғалиб ташқарига чиқди. Ортидан Ортиқ ака етиб келди.

– Кетдик, – деди у кўтаринчилик билан, – Радикнинг манзилини олдим, бирга бориб келамиз... Бошлиқ хурсанд, жиноятни бунчалар тез очишимизни хаёлига келтирмаган экан.

Радик уйда сасиб ухлаб ётган экан. Икки изқувар тўғри бошига келди. У ербу ери кўқарган, шилинган. Ортиқ ака Олимга маъноли боқди. Қўлидан тортиб, турғизмоқчи бўлди:

– Тур, сен қотиллик содир этишда гумонланиб қўлга олиндинг, – деди ва ваҳима учун камарига кистирилган кишанни олиб, шарақлатди.

Радикнинг эса кишан билан иши йўқ, кўзларини зўрға очиб, тепасида турган икки шарпага боқиб, ҳеч нимани тушунмади чамаси, қўлини силкитиб ғудранди:

– Кет, қоч!!!

Атрофни ароқнинг қўланса ҳиди тутди. Ортиқ ака бурнини жийирди. Олим ўзини орқага ташлади.

Уни уйғотишгунча ярим соат вақт ўтди, туриб, ярим банка сув ичдию, қайтадан ўзини тўшакка отди. Кеча кечаси нима иш қилганини умуман эслолмади. Ҳозир ҳам тили зўрға айланмоқда.

– Шундан бошқа ит ҳам қилгани йўқ бу жиноят-ни, – хулосага келди Ортиқ ака. – Буни бўлимга об-кетиш керак. Сал ўзига келгунча кутамиз, сўнг нима иш қилганини, улфатини қандай ўлдирганини, қандай қиймалаганини айтиб беради.

Олим хонадонни айланиб чиқди.

\* \* \*

– Мен ўлдирипманми? – сўради Радик бўлимда бир оз ўзига келиб қолгач, кўзини мўлтайтириб. – Ўзи қани?

Ортиқ аканинг жаҳли чиқди. Лаби гезариб, кўзларини лўқ қилиб Радикка боқди:

– Шуни сендан сўрашимиз керак... қани? Ўлик қани?

Радик вазият оғирлигини тушунди, бошини чангаллади:

– Билмадим... – деди ўйланиб. – ҳеч нарса эсимда йўқ.

– Эсингда бўлмаса, мен ёдингга соламан, – деди Ортиқ ака. – Ҳамтовоғинг билан суришгансан, сўнг жаҳлинг чиқиб, уришгансанлар. Сен пичоқ билан уни ўлдиргансан. Сўнг танадан қутулиш учун уни бўлақларга бўлиб, у ер, бу ерга ташлаб кетгансан. Тўғрими?

Радик ўйланди.

– Шундай қипманми? – сўради ниҳоят ёш боланикидай хайрат тўла нигоҳини Ортиқ акага қадаб. – Эслолмаяпман.

Ортиқ ака жиғибийрон бўлди. Ташқарига чиқди. Гумондорни ёлғиз қолдириб, Олим унга эргашди.

– Жиноят очилди ҳисоб, – деди Ортиқ ака. – Тананинг қолганини қайга яширганини айтса, бас.

Шогирд чеккага ўтиб, экспертга қўнғироқ қилди. Хулоса ҳали тайёр бўлмаган экан.

– Бирор ўзига хослиги борми? – сўради у умид билан.

– Мутахассис одамнинг иши бу, – деди эксперт. – Усталик билан кесган... қолганини эса энди аниқлаймиз.

Олим ўйга чўмди. Қайтиб киришганида, Радикдан сўради:

– Тиббиёт институтида ўқиганинг йўқми?

У хайратдан кулиб юборди:

– Бирор жойим дўхтирга ўхшаяптими?

Олим хонада у ёқдан-бу ёққа юриди, сўнг устозига боқиб, «Мен кетдим, зарур ишим чиқиб қолди», деганча эшик томон юриди.

– Сен бола ишлашни билмайсан, – орқасидан жав-ради Ортиқ ака. – Асосийси ишни бажариш эмас, уни раҳбариятга кўрсата билиш. Реклама! Замон сенга боқмаса, сен замонга боқишинг керак, ука... ҳозир рекламанинг даври. Мана, сен кетяпсан, мен бўлса бошлиққа «Ҳаммасини ўзим аниқладим», деб кўрсатишим мумкин-ку.

– Нима десангиз, деб туринг, – деди Олим. – Менинг шошилинич ишим бор.

Профилактика инспекторининг ёнига борди. Ҳудудидаги жарроҳлар, дўхтирлар, тиббиёт ходимлари тўғрисида маълумот олмоқчи бўлди. Биргаликда маҳалла кенгашига ўтишди. Оқсоқол бир зумда бу ҳақда маълумотлар берди. Ҳаммани беш қўлда биларкан.

Кеч кириб келаётган эди, одамлар юмушдан қайт-моқда. Жарроҳни топиш учун қулай фурсат.

Ҳудудда иккита жарроҳ яшар экан. Олимда гумон уй-ғотмади. У ёқ-бу ёқдан гаплашишди. Ёши эллиқдан ошган, оқ сочлари орқага таралган жарроҳ уларнинг мақсади билан қизиқди.

– Қандай айтишнисям билмайман, – деди Олим мақсадга кўчиб. – Ахлат уюмидан одам оёғи топилган. Жабр-ланувчининг кимлигини аниқлаш, қотилни топиш мақсадида юрибмиз. Экспертлар оёқни мутахассис одам кесган дейишганига, гумон жарроҳларга, дўхтирларга тушган эди.

– Тана топилганми? – қизиқди жарроҳ.

– Муаммо шунда-да, – деди Олим. – Фақат оёқ. Унга қараб эса ҳеч нимани билиб бўлмаяпти. Ҳали экс-перт-ларнинг хулосаси ҳам тайёр эмас.

– Фақат оёқ бўлса... – жарроҳ ўйланди. – Ҳеч қанақа қотиллик бўлмаслиги ҳам мумкин.

– Қизиқ-ку, – кулди Олим. – Шу пайтгача тирик одамнинг оёғини ахлатга ташлаб юборишганларини учратганим йўқ. Унақа овсар ҳам йўқ-да, оёғини ташлаб, бемалол юраверадиган.

– Мелисалигингизга борасиз-да, – деди вазминлик билан кулиб жарроҳ. – Ҳамма нарсада ёмонликни ва жиноятни кўрасиз.

Олим унга боқди. Буям милицияни ёмон кўрадиган жиноятчилар тоифасиданми, деган хаёлга ҳам борди. Ле-кин кўринишидан унакага ўхшамайди. Зиёли, ўқи-миш-ли киши.

– Биринчидан, вазифамиз, – деди у ёнида жим турган профилактика инспекторига боқиб. – Иккинчидан, ин-сон аъзосини кўча-кўйда учратиш қолсангиз, биринчи навбатда хаёлингизга нима ўй келади? «Бировники тушиб қолибди» деб ўйлайсизми?

Жарроҳ хахолаб кулди.

– Мен, – деди ўзини зўрға тўхтатиб. – Ампутация деб ўйлайман.

Олим бир-икки сония унинг гапини ҳазм қилиб олол-мади.

– Тушунмадим? – деди ниҳоят.

– Бизда шунақа одат бор, касал аъзони даволашнинг имкони бўлмаса, у инсон ҳаётига тажовуз солса, ам-пу-тация қилинади.

Олим унинг гапига ишонмади. Йўқ, одамнинг оёқ-қўли кесилиши мумкинлигини билади. Қўлсиз, оёқсиз одамларни кўрган. Лекин инсон оёғининг ахлат қутисида ётиши?!

– Кессангиз кесарсизлар, лекин ахлат қутисига ташлаб қўймассизлар?

– Ҳали ёш экансиз, тажрибангиз камга ўхшайди, – деди жарроҳ.

– Ортиқ аканинг стажи менинг ёшимдан ҳам катта, уям шу фикрда-ку, – деди ҳовлиқиб Олим. – Уям оёқни кўриб, қотилни кидириб юрибди. Ахир кесилган оёқ ахлат орасида ётмас?!

Олимнинг хайрати чексиз. Жарроҳнинг гапига ишон-гиси келмади. У эса, гап гўё оддий буюм ҳақида кета-ёт-гандай кулиб турибди.

– Сиз одамнинг аъзолариям ўзи каби муқаддас, деб ўйлайдиганлар тоифасидан экансиз, – деди ниҳоят босиқлик билан. – Лекин барчаюм шундай фикрда эмас. Умуман, инсоннинг кесилган аъзоларини нима қилиш ке-рак? Бу ҳақда аниқ бир норма борми? Йўқ! Уни ма-росим қилиб, қабристонга кўмиб бўлмайди. Уйда сақлаб бўлмайди. Нима қилиш керак?!

– Билмасам, – елка қисди Олим.

– Шу-да, – деди жарроҳ. – Ҳаммаям билмайди.

– Унда бу ерга қандай келиб қолган? Яқин ўртада касалхона йўқ-ку?!

– Биз кесилган аъзоларни эгасига, унинг яқинларига бериб юборамиз.

Олим жарроҳ билан хайр-хўшлашиб чикқанида, кайфияти бир оз чўккан эди. Бунинг нимадан эканини тушунмади.

Яна маҳалла оқсоқолининг ёнига боришди. У ҳар бир уйнинг каттаси билан қўнғироқлашиб, хонадонлардан қай бирида эркак киши оёғидан касал бўлиб ёки аварияга учраб, касалхонада ётгани билан қизикди. Дядя Коля деган киши ётган эмиш. Зудлик билан унинг хонадони эшигини тақиллатишди.

Эшикни олтмиш ёшлардан ошган, эгнига алламбало кийим кийган, сочи тўзғиган кампир очди.

Олим унинг эри билан қизикди. Ростдан ҳам касалхонада ётган эмиш, ростдан ҳам оёғини қирқишган экан.

– Оёқ қани? – сўради Олим ҳовлиқиб.

– Ахлат қутига ташладим, – деди кампир. – Нима, керакмиди?

– Ахир жиноят иши қўзғатилган, милиция, прокуратура оёққа турган... – куйиб-пишди Олим. – Нима қилга-нингизни биласизми ўзи?

– Кераксиз бўлгандан кейин ташлайман-да. Нима қилишим керак эди? – деди бамайлихотир кампир.

– Энди шунга мени қамайсанми?

Олим тилини тишлади. Бунга бир гап айтолмаслигини тушунди. Шошиб Ортиқ акага қўнғироқ қилди.

– Бу ярамас одам ўлдирганини деярли тан олди, бошлиққа ахборот бермоқчи бўлиб турибман, – деди ҳовлиқиб нарёқдан Ортиқ ака Олим гапиришини кутмай. – Сен ўзинг қайда дайдиб юрибсан?

– Тан олмай турсин, бошқа маълумотлар бор, зарур маълумотлар. Унинг бу ишга умуман алоқаси йўқ... – деди шошиб Олим.

– Янами? – Ортиқ аканинг кайфияти тушгани овози-дан билинди. – Калнинг ёмони кўприкнинг тагидан от ҳур-китаркан. Сенинг мени ишимни расво қилишдан ўз-га ташвишинг йўқ.

Ортиқ ака бошқа тафсилотлар билан қизикмай, ҳаф-саласи пир бўлиб, алоқани узди.

Исмоил Шомуродов.

### ЭСКИ АДОВАТ

Олимни тонг саҳар безовта қилишди, анҳор ёқасидан кимнингдир ўлиги топилганмиш.

Ғалати ҳолат — жасаднинг чап қулоғи тепаси жароҳатланган ва дока билан боғланган. Бошининг тепа қисми эса қаттиқ жисм билан мажақланган. Олим унга боқиб, алланечук бўлиб кетди.

– Ўлдириб, бошини боғлаб қўйишганми? – сўради Ортиқ ака жасаднинг бошидаги докага имо қилиб.

– Боғлаб қўйган бўлса, ўлдиришдан мақсад нима? – сўради Олим.

– Билмасам, – елка қисди Ортиқ ака.

Изкуварлар ишга киришдилар. Олим яқин-атрофни титкилаб, жиноят қуроли ва бирор пичоққа илингулик улги кидирди. Нарироқда, ўтлар орасида йўлакка ётқи-зиладиган тоштахта топилди.

Қонга беланган. Шун-дан бошқа ҳеч нима йўқ. Жасаднинг ёнидан ҳеч қанақа ҳужжат топилмади, чўнтагидан анчагина пул чиқди, қўлидаги тилла узук ҳам жойида. Демак, босқинчилик бўл-маган.

Ички ишлар бўлими бошлиғи, йўлни тўсиб турган милиция ходимига буйруқ берди:

– Шу яқин атрофда яшайдиган катталар ўтиб қолса, биз томонга юбор, балки таниб олар.

Тўрт-беш қизиқувчан одам келиб, жасадни томоша қилиб кетди. Танимади. Экспертнинг маълумотига кўра, бу инсон кечаси соат 22 лар атрофида ўлдирилган. Тана ҳарорати ва мурда доғлари шу вақтни кўрсатаётган эмиш.

Олим бир томонга, Ортиқ ака бошқа томонга ўтиб, яқин атрофда яшайдиганлардан бита-битталаб кечаси қандай шовқин эшитган-эшитмагани, ким кечаси уйга қайтмагани билан қизиқди. Ҳеч қандай маълумот оли-шолмади. Кечаси ҳеч ким ҳеч қандай шовқин эшитмаган.

\* \* \*

– Энди нима қилдик? – сўради Ортиқ ака тезкор-тергов гуруҳи лашлушини йиғиштириб, ортга қайтаётганда.

– Менимча, анави плиткани тагини қидиришимиз керак, – деди Олим.

– Бутун бошли жасаддан ҳеч нима билолмаяпмиз-ку, бир парча цементдан қандай маълумот оламиз?

– Ортиқ ака кесатиб гапирди.

– Қарадим, плитка яқин атрофдан олинмаган. Бунақаси йўқ. Демак, қотил уни ўзи билан кўтариб келган. Бу нимани англатади?

Олимнинг саволи Ортиқ акага ёқмади, ўзини домла қаршисида турган талабадай ҳис қилди. Имтиҳон топширган даврлари ёдига тушди.

– Сенинг аҳмоқлигингни, – деди жаҳл билан.

Олим эътибор бермади.

– Бу қотиллик қасддан содир этилганини билдиради.

– Жуда ақлимиз-да, – кесатди Ортиқ ака. – Бошига тош билан уриб ўлдиргач, эҳтиётсизлик бўлмайди-ку!

– Ўзимни ҳимоя қилиб, ўлдириб қўйибман, дейиши ҳам мумкин-ку!

Ортиқ ака индамади. Олим фикрини давом эттирди.

– Ҳеч ким плиткани сумкага солиб, кўтариб юрмаса керак. Демак, шу яқин атрофдан олган буни. Айланиб чиқишимиз керак.

Олим машинани бурди. Икки кўча наридаги тўйхона ёнида қурилиш ишлари кетаётган экан. Йўлакка айнан шундай тоштахталар ётқизилмоқда.

– Бундан чиқди, қурувчилардан бирортаси қилганми бу жинойтни? – Ортиқ ака фикр билдирди.

– Мақсад? – деди Олим. – Пулини олмаган бўлса.

– Ким айтди сенга қурувчилар фақат пул учун жинойт қилади, деб? Битта-яримтасини сўккан бўлса, ортидан бориб...

– Олдин бир урган, кейин кечирим сўраб, бошини бойлаган, сўнг яна урган, шундайми? – кесатиб сўради Олим.

– Менга нима дейсан? – жаҳли чиқди Ортиқ аканинг. – Худди мен ўлдиргандай гапирасан? Ўзимниям бошим қотиб турибди-ку, нимага олдин бошини бойлаб, кейин ўлдирган деб.

Олим йўлакка қум ётқизиб, тоштахта тераётган йигитлар ёнига яқинлашиб сўради:

– Кеча кечки пайт кимлар бу ерда ишлаган эди?

Ориқдан келган, ўрта ёшдаги, очиқ чехрали киши Олимга яқинлашди, қўл бериб кўришди.

– Биз жинойт-қидирувдан, – деди Олим, у тилини ютгандай индамаётгани учун.

– Кеча тўй бўлди, – ҳалиги киши боши билан тўйхона томон ишора қилди. – Шунга эртароқ ишни яқунлаб, уйга қайтган эдик.

Тўй?!

Олим Ортиқ акани эргаштириб тўйхонага кирди. У ерда кеча кечаси бўлган тўй эгасининг манзили ва телефон рақамини олди.

\* \* \*

Жасаднинг суратини кўтариб, тўй эгалариникида кўп сарсон бўлишди. Олдин куёв томондагилар бир-бир кўришди, танишмади. Келин томоннинг қўшниси, Нозим исмли йигит экан. Ўтиб суриштиришган эди, кечаси уйи-га келмагани маълум бўлди!

Олим билан Ортиқ ака на севинишини ва на ғамга тушишини билмай кўчага чиқди.

Тўйда келиннинг акаси билан бирга ўтирган экан.

– Ўртада рақс бўлаётганда Нозим ҳам ўйинга чиқди. Сал кайфи бор эди, бир кизга тирғалаверди, – деди у. – Унинг севган йигити ҳам шу ерда экан. Нозим билан сан-манга бориб қолди. Йигитнинг жаҳли ёмон экан, шу ерда турган пиёлани олиб, Нозимнинг чаккасига соливорсами... қонаб қолди.

– Ким боғлаб қўйди? – сўради Олим.

– Ўша йигитни қайда топсак бўлади? – сўради Ортиқ ака.

Келиннинг акаси бир Ортиқ акага, бир Олимга боқди, ўзича уларга баҳо бердимиз, «Манависи ёш бола экан, саволига кейинроқ жавоб берсам бўлади» деб хаёл қилдимиз, деди:

– Съёмкага тушган бўлса керак, топса бўлади. Тўйга бегоналар келмайди-ку. Куёв томондандир-да.

Олим саволини такрорлади.

– Ўтирганларнинг орасида дўхтир бор экан, таш-қарига ими-жимиди олиб чиқиб, дорихонадан бинт олиб, боғлаб қўйдик.

– Кейин нима бўлди? – сўради Олим.

– Ҳеч нима, – деди келиннинг акаси. – Нозим «бошим оғрияпти», деб уйига кетди, кузатиб қўймоқчи бўлдим, кўн-мади. Нима, ўша жароҳатдан ўлганми?

Олим елка қисди.

– Ўша йигитни топишимиз керак, – деди Ортиқ ака.

Тасвирга туширишга куёв томон буюртма берган экан. Икки изкувар ортга қайтишга мажбур бўлди. Лаппакни олиш, сўнг йигитни топиш чораларини кўриш лозим.

Ортиқ ака йўлда бошлиққа кўнғироқ қилиб, суюнчи олди:

– Ўртоқ бошлиқ, жиноят фош бўлди ҳисоб. Шахсини аниқладик. Гумондор ҳам бор, ҳозир қўлга олгани кетяпмиз.

– Нимага ёлғон гапирасиз, – деди Олим у алоқани узгач. – Гумондорни ҳали кўрганамиз ҳам йўқ-ку.

– Тўнкани бир ақлли ёради, бир аҳмоқ, – мақтанди Ортиқ ака. – Ҳозир кўрасан, бир деганда жиноятни очиб, гумондорни ушлаб, жиноятини бўйнига қўйиб, айбига иқроорлик тўғрисида тушунтириш хати ҳам оламан.

Олим устозига анқайиб боқди.

\* \* \*

Кеча тўйда Нозим билан уришган йигитни топиш қийин бўлмади. Исми Равшан, куёв билан бирга ишларкан. Тўйга жамоа билан бирга келган. Орасидаги қизлардан бирига Нозим тихирлик қилавергач, жаҳли чиқиб, у билан «гаплашиб» қўймоқчи бўлган.

Икки изкувар куёвдан кейинроқ қайтариб бериш шарти билан тўй тасвири туширилган лаппакни олиб, унинг ишхонаси томон кетишди.

Ташкилотнинг кириш жойида кутиб туришди, Равшан чиқиб келди. Ўрта бўйли, буғдойранг, йигирма беш ёшлар атрофидаги чайир йигит экан. Кўзлари қизарган, соқоли олинмаган, сочи таралмаган. Кўришиб турибди, кеча кўп ичиб юборган. Шундан ҳалиям ўзига келгани йўқ.

– Бош оғрияптими? – «хе» йўқ, «бе» йўқ сўради Ор-тиқ ака.

Равшан булар иккисига бир-бир боқиб, ҳиссизлик билан «ҳа» деди.

– Биз жиноят-қидирувданмиз, – деди Олим Ортиқ ака гапни яна чувалаштириб кетишининг олдини олиш мақсадида.

Равшан хушёр тортди. Кўзлари чакнади.

– Ярамас, сотдимиз? – деди ғазаб ва нафрат билан.

– Ўзимиз билиб келавердик, – деди Ортиқ ака. – Сотишига имкон қолдирмабсан-ку!

– Сал кайфим ошиб қолган экан, нима қилганимни билмабман, – деди паст тушиб, бўйинини эгиб Равшан.

– Бу бошқа гап, – деди Ортиқ ака хурсанд бўлиб, сўнг Олимга ўгирилди. – Сенга нима девдим? Бир де-ганда очиб ташлайман, демовмидим. Айтганим бўлди.

Олим индамади.

– Энди сени бўлимга олиб кетамиз, – деди Ортиқ ака. – Бор гапни ўз қўлинг билан ёзиб берасан, жазо ҳам енгиллашади.

Равшаннинг кўзлари ола-кула бўлди.

Хонада Ортиқ ака Равшанни сўроқ қилишга киришганида Олим лаппакни олиб, қўшниларининг компьютерида тўйни томоша қилиш, далиллар топиш учун қўшни хонага чиқиб кетди.

Мана, ўйин авжида. Ана, Нозим чиройли, сочлари шаршарадай кизга яқинлашяпти, номаъкул қилиқлар қиялпти, қизга суйкалмоқчи... Қиз кулиб ўзини чеккага тортмоқда. Бошқа тасвирлар...

Ўтказиб юбориш керак. Ана, бир чеккада одамлар йиғилган. Демак, Равшан Нозимнинг чаккасида пиёлани синдириб бўлган. Тута-қаётган Нозимни судраб ташқарига олиб чиқиб кетишди. Бошқа тасвирлар.

Олимни ажаблантиргани шу бўлдики, Равшан кейин ҳам тасвирда кўришиб турди. Ана, у ўртоқлари билан ўтирибди, арақ ичяпти. Камерага бориб нималардир деди, тилак билдирди, чамаси, шовқиндан овози эши-тилмади. Пиёладаги арақни сипқорди... Ана у элас-элас ўйнаётган йигит-қизлар орасида кўзга ташланиб қоляп-ти. Зўр ўйнар-кан, суяги йўқдай.

Қизик, у қачон кўчага чиқиб, қачон Нозимни ўлдириб қайтди? Иккаласи бир-бирига таниш эмас, унинг қайда яшашини, қайга боришини билмайди, демак, изма-из кузатиб бориши лозим эди. Лекин у тўйхонадан чиқ-маган! Чикқандир-ку, лекин Нозим кетгандан сўнг тўйхонада қолгани аниқ. Ёки жанжал вақтида иккаласи бир жойда учрашишга келишиб олганми? Агар иккаласи келишиб, бу гапни бошқалар эшитмаган бўлса, Равшан қилган жиноятини тан олмайди. Чунки алиби тайёр — ана тасвирда лип-лип этиб ўтиб турибди.

Олим ич-ичидан сизди — Равшаннинг айбини бў-йнига қўйиш учун кўп ишлаш керак. Жанжалдан кейин ўтган вақтнинг аниқ хронометражини чиқариш керак, тасвирда Равшан кўринган лавҳалар орасидаги вақтларни аниқ ҳисоблаб чиқиш лозим. Шу вақт орасида у ташқарига чиқиб, воқеа жойига бориб Нозимни ўлдириб келишга улгурармиди-йўқми, чамалаб чиқиш керак. Ўша давр Нозим ўлдирилган вақтга тўғри ке-ладими-йўқми, буниям аниқлаштирмаса бўлмайди.

\* \* \*

Олим хонасига қайтганида Ортиқ аканинг олдинги кайфиятидан асар ҳам йўқ эди. Хўмрайиб ўтирибди. Рав-шан буткул оқариб кетган, бошини ҳам қилиб ўтирибди.

– Ҳа, – деди Олим Ортиқ акага боқиб. – Кайфият йўқ. Бир бечоранинг азасини қиляпсизларми?

Устози Олимга олайиб боқди.

– Бу ўлдирганим йўқ, деяпти, – деди шикоят оҳанги-да.

– Боя тан олувди-ку!

– Ҳеч тан олмаганман, – деди шошиб Равшан. – Айтяпман, бошини ёрганим рост, лекин ўлдирганим йўқ. Орқасидан ҳам бормадим.

Олим Ортиқ аканинг ёнига келиб, қулоғига шипшиди:

– Алибиси бор, чамамда. Бунинг тўйхонадан чикқанини исботловчи ҳеч нимамиз йўқ.

– Видеога ҳеч нима йўқми? – сўради Ортиқ ака секингина, нигоҳини Равшанга қадаб. Олим индамаганидан билдики, иш пачава.

– Шу... ўша йигит тўйхонада олган жароҳатидан ўлган, деб хулоса чиқариб бермасмикин экспертлар.

– Бошини мажақлаган одамниям топишимиз керак-ку, – деди Олим. – Кўрдим, тасвирда тўйдан чиқиб кетаётганида боши бутун эди.

– Демак, – деди Ортиқ ака шивирлаб, – бошқа бир жўрасига айтган, ортидан кузатиб борган. Бари бир қотилликда гумон қилиб, қўлга олишимиз керак. Жуда бўлмаса, тан жароҳати етказишда айблаймиз. Факт борку, исботланган.

– Яхши, – деди Олим.

\* \* \*

Битта камера тўйхонани бутунича қамраб ололмаган. Шундан Олим ўнлаб марта такрор кўришига қарамай, вазиятга аниқлик киритолмади. Нозимдан кейин тўйхонадан кимлар чикқанини аниқлаб бўлмади. Шу ерда турган ҳассакашларни бир-бир сўроқ қилиб чиқди, бари бир аниқлик киритолмади. Равшаннинг ўртоқларини бирма-бир сўради, ҳалиги қизни ҳам саволга тутди — шубҳали ҳеч нима аниқлолмади. Қўшиқнинг баланд овози ҳаммани гаранг қилиб қўйган, бўлиб ўтган воқеани тўлиқ идрок этолмаяпти.

Орадан икки кун ўтганда ҳам вазиятга аниқлик киритилмаган, балки тобора чигаллашиб бормоқда эди. Энди тўйхонадан Равшаннинг якка ўзи чикмагани маълум бўлиб қолди. Сўралган барча гувоҳлар шундай демокда. Ортиқ ака зўр бериб уқтирмоқчи бўлаётган тусмол — Нозимни Равшаннинг бирор жўраси томонидан ўлдирилгани тўғрисидаги фикр ҳам исботини топ-маяпти. Далил етарли эмас.

Ортиқ ака шунга елимдай ёпишиб олган. Равшаннинг ўша номаълум, сирли ўртоғини топса, масала ҳал бўли-шига ишонади. Олимнинг фикри эса бошқача. Унингча, жиноятчига Нозим орқалигина чиқиш мумкин.

– Калла борми сенда, – дакки берди Ортиқ ака. – Воқеа тўйда бўляпти, бу ерда ҳаммаси тасодифий. Тушундингми, кўплар бир-бирини танимайди. Вазиятга шундан келиб чиқиб баҳо бериш керак. Жиноят ҳам тасодифий, демак, жабрланувчининг илгариги иш-ларига алоқаси йўқ.

Олим ўз билганидан қолмади. Нозим билан қизиқди. Унинг яқинлари, душманлари, уни қийнаган муаммолар. Ишхонасига борди, ҳаммадан бирма-бир сўраб чиқди, шубҳали маълумот топилмади. Уйига келди, ота-онаси, ака-укалари билан гаплашди. Ундан икки ёш катта акасигина бундан икки йил бурун кўшнилари билан сан-манга бориб қолгани, уларнинг Маҳмуд исмли ўғли билан кўп хархаша қилгани, лекин можаро муштлашувгача етиб бормаганини айтди. Олим шу можарони батафсил ўрганмоқчи бўлди. Кўшниникига чиқди. Уй бекаси шу ерда экан. Изкуварни уришгандай бобиллаб кетди:

– Ўз бошидан топди унингиз, – деди саволни эшитиб бўлар-бўлмас. – У ноинсоф қизимни алдаган, шундан бу бахтсиз бўлиб қолди.

– Нега алдайди? – сўради Олим қизиқиб.

– Билмайман, – деди бақриб аёл.

Олим билдики, у гапиришни истамаяпти. Кетишга чоғланган эди, ичкаридан Нозим тенги бир йигит чиқиб келди. Олим бу ўша Маҳмуд эканини англади.

– Ойи, тинчликми? – сўради у.

– Э, анави бетайин кўшнимизни орқасидан милиция сўраб кепти. Қанақа одам эди, дейди. Қанақалигини айтяппан.

Маҳмуд шошиб уларга яқинлашди, «кетинг!» – деб ойисига дўқ қилди. Сўнг Олимга юзланди:

– Кўяверинг, ойимнинг ўзи шунақа салга жаҳли чиқади. Бизнинг Нозим билан адоватли жойимиз йўқ эди. Муносабатларимиз яхши эди.

Олим бу хушмуомала йигитни тўй тасвирларида кўрган эди.

– Майли, ҳечқиси йўқ, – деди Олим йигит-га. – Эртага вақтингиз бўлса, ички ишлар бошқармасига ўтасизми, сиз билан бир-икки оғиз гаплашиб олишимиз керак эди.

Маҳмуд ҳайрон бўлди. Вақти йўқлигини айтди.

– Майли, – деди Олим хушмуомалалик билан. – Керак бўлсангиз, ўзим келиб кетарман.

Йигит алланечук бўлиб қолди.

\* \* \*

Эртаси куни Ортиқ ака Олимнинг ортидан қичқириб қолди:

– Ҳей бола, ҳей, бола, ўпкангни бос, пишиб турган ишни расво қилма.

Олим эса шошиб чиқиб кетди.

Уни кўриши билан Маҳмуднинг ранги оқарди.

– Сизни қасдан одам ўлдиришда гумондор сифатида кўлга олиш учун келдим, – деди Олим совуққонлик билан.

Маҳмуднинг кўзи олайди. Нима дейишини билмайди. Шундай эса-да, Олим тушунтириш берди:

– Ҳаммаси ҳисобланган. Аниқланган... Сиз тўй куни соат тўққиз-у ўттизда, Нозим боши яраланиб чиқиб кетгач, тўйхонани тарк этгансиз. Ўн дақиқалик йўлда Но-зимни қувиб етиб, унинг бошига тоштахта билан уриб ўлдиргансиз. Сўнг ортга қайтгансиз. Сиз тўйхонада ўттиз дақиқа бўлмагансиз. Бу гувоҳларнинг сўзлари ва тасвирлар билан тасдиқланган. Бунинг устига, уйга бо-риб, қон сачраган кўйлакни ҳам алмаштиргансиз.

– Нима деяпсиз, нима деяпсиз? – доводиради Маҳ-муд. – Уни бекордан бекорга ўлдиравераманми?

– Опангизни беномус қилганининг қасдини олгансиз, – деди Олим. – Пухта ўйлабсиз... Албатта ўл-дириш ниятингиз бўлмаган, вазиятнинг ўнғайлиги сизни йўлдан урган, шундайми? Нозимни Равшан билан уришиб қолганини ҳамма кўрди, билди, кўчада ўлдирсам, барча ундан гумон қилади, мени эса ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди, деб ўйлагансиз. Кўй-лагингиз алмашганини ҳеч ким сезмай қолади, деб ўйлагансиз. Тўғри, ранги деярли бир хил экан, лекин ёқаси бошқача-ку! Шундай қилиб, эски ад-ват униям, сизниям бошингизни еди.

Мирзо Аҳад.

### ТУНДА ҚАЗИЛГАН ҚАБР

Хўроз қичқирмасданок қишлоқ чеккасида жойлашган қабристон қоровули дарвозани очиб, ичкарига кирди. Чўкка тушиб, дуо-фотиҳа ўқиди. Сўнгра қабристонни зимдан кузатди. Қабрларни бирма-бир хаёлан кўздан кечириб, ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхтади. Шундан кейин ўз умрини сарҳисоб қилди. Умр баҳорининг ширин дамларининг ортда қолганини сизди. Чуқур уф тортиб, хўрсинди: “О,

ёшлик! Бебошлигим! Сен қайтмас баҳор эканлигинга энди аминман. Умр ҳам оқар сувдай бир гап экан. Бу йил олтмишдан ошдим. Худо хоҳласа, етмишга етиб, саксондан ҳам сакрайман. Иншооллоҳ!”

О, одамзот қизиқ-да! Ёши ўтган сайин яна яшагиси келади. Дунёнинг нозу неъматларидан бахраманд бўлиш орзусида юради. У яшашдан тўймайди. Яшаш яхши-да. Яхши яшаш ундан-да яхши!

Қоровул кўнглидан кечган сўзларни сиртига чиқармай, ғудраниб-ғудраниб, ўроғини олди-да, қабристон чеккасида ўсиб ётган бегона ўт ва тиканларни ўришга шошилди. Унинг бирдан ранги ўзгарди. Оқарди, хайкалдай қотди-қолди. Анча вақт ўзига келмади...

У ниҳоят ўша томонга юрди. Кўзларига ишонмади. Ҳақиқатан ҳам тунда қабр пайдо бўлган. Унинг бундай ўйлашига асос бор. Чунки қоровул чол кеча айнан янги қабр пайдо бўлган жойнинг бегона ўтларини ўрган эди-да! У ҳовлисига анча кеч, қош қорайганда қайтганди...

\* \* \*

Чормашойих қабристонидан тунда пайдо бўлган қабр юзасидан туман ИИБ ходимлари зудлик билан тезкор гуруҳ тузди. Қабрни очиш маросимида экспертиза ходимлари билан биргаликда прокуратура терговчиси Асад Расулов ҳам иштирок этди.

– Муйинжон, сиз шошилмасдан видеога олаверинг, – терговчи Расулов камерачи йигитга қабрни очишдан олдин яна бир бор эслатди. – Бу хизматингиз жиноятнинг очилишида анча аскотади.

Қабр очилди. Қабрдан оқ рангли синтетика матодан тикилган халта чиқди. Халтани эҳтиёткорлик билан тоза жойга олиб қўйишди. Жасад халтага буклаб жойланган эди.

– Асад Бобоевич, жасад аёл кишиники, – деди эксперт Шамсиддин Холиқов мурдани кўздан кечираркан. – Ўлганига анча бўлибди, чамамда уни аввал бошқа жойга кўмишган.

– Буниси бизга аён. Эти ҳам ирий бошлабди, – афтини буриштириб дастрўмолчасини олди терговчи.

– Аммо нимага айнан марҳуманинг руҳини чирқиратиб, бошқа жойга кўмишди? Яна айнан тунда...

Терговчи Расуловнинг бу саволига на ИИБ ходимлари ва на қишлоқ аҳли жавоб бера олди. Чунки улар ҳам терговчининг ҳолига тушишганди.

\* \* \*

Тушликдан сўнг терговчи Расуловни прокурор ўз хонасига йўқлади.

– Меҳнат таътилингизни сал орқароққа сурасиз, энди, – салом-алиқдан сўнг вазминлик билан прокурор терговчига илтижоли қараркан. – Бугунги Чормашойих қабристонидан топилган мурда билан ўзингиз шуғулландинг. Ёрдам керак бўлса бемалол, тортинмасдан айтинг. Хабарингиз бор, ўринбосарим Жабборовнинг ўлими билан шуғулланяпти.

– Майли, – дея қисқа жавоб қайтарди Расулов.

Сўнгра ўрнидан тураётганда прокурор унинг елкасига оҳистагина қўлини қўйди:

– Асад ака, ҳамма умидимиз сиздан.

– Ишончингизни оқлайман, – терговчи Расулов прокурорнинг ҳозирги ҳолатини тушунди. Чунки ҳали очилмаган иккита қотиллик устида буниси ортиқча бўлиб турибди.

У шуларни ўйлаб ўз хонасига йўл олди. Чўнтагидан “Хон” сигаретасини чиқариб, ундан бир дона олди-да, столи устига отиб юборди. Гугурт чақди. Сигаретни чуқур-чуқур тортди. Тутунини эса бурнидан паровоз қилиб чиқарди. Бу қилиғи унга хуш ёқди. Яна такрорлади. Яна. У ўзини чалғитмаслик учун экспертиза хулосасини кута бошлади.

Экспертиза шундай хулосага келди: ҳақиқатан ҳам, марҳума бундан етти ой илгари тепки ва муштнинг зарби билан ўлдирилганлиги аён бўлди. Демак, бу ерда қотиллик юз берган. Жасад кимники, нима учун унинг яқин кишиларига мурожаат қилинмаган? Балки марҳума бошқа жойдан келтирилгандир?! Бу каби саволларга терговчи Асад Расулов бош қотира бошлади.

Терговчининг биринчи иши бундан олти-етти ой бурун туманда бедарак йўқолган аёлларни суриштириш бўлди. Шу билан биргаликда мазкур хўжалик аҳолисини ўрганишдан бошлади. Суриштириш натижасида жасад кимники эканлиги аниқланди. У вақтинча туманда яшаган, Тожикистон Республикаси фуқароси, 1979 йилда туғилган, айнаи вақтда Обидали Саломовнинг иккинчи ноқонуний хотини Дилбар Ҳамроева бўлиб чиқди.

Дилбар тақдир тақозоси билан бегона шаҳарга келиб қолган чоғида турмуш ўртоғимни шу ердан топаман, деган фикр унинг хаёлига келмаган эди. Унинг онаси фахш ботқоғига ботган, отаси кимлигини билмасди. Қизалоқ ақлини танигач, туғилган юртини ташлаб, шаҳарма-шаҳар юриб, бировни она, бировни опа, деб умргузаронлик қилиб келди.

У эндигина йигирмага тўлган эди. Шу қадар чиройли эдики, бир қултум сув билан “култ” этиб ютиб юборгудек. Кулишларини айтмайсизми. Унга мафтун бўлганлар сон-саноксиз.

Шаҳарнинг Ф. Эргашев кўчасидаги уйларнинг бирида ижарага турарди. Ижарачи рус миллатига мансуб жувон — Маша хола эди. Унинг бу хонадонга қандай келиб қолганини ижарачи-ю, Худодан бўлак биров билмасди.

Аммо ҳар нима бўлганда ҳам, у Маша холаникига келди-ю, ижарачининг ҳам, ўзининг ҳам ошиғи олчи бўлди. Шуниси аниқ эдики, мижозларнинг кўпчилиги Дилбарнинг айна қирчиллама ёшдалигини ҳамда ҳали бирорта фарзанд туғмаганлигини билишарди. Бундан ташқари ғознинг бўйнидек оппоқ кўкси, сип-силлиқ билаклари тирсиллайди, кескин қарашлари ҳар қандай эркакни довдиратади. Дилбарнинг ҳеч қандай ташвиши йўқ эди. Усти бут, қорни тўқ, ҳамёни тўла жарақ-жарақ пул. Маша холанинг эркаси эди у. Истаганча ўйин-кулги, хоҳлаганча кайфу сафо. Шаҳарнинг кўпгина бойваччалари Дилбарнинг қармоғига бурунларидан илинган. Унинг бир кулиб қарашига ҳамёнини қоқиб берадиганлар ҳар қадамда қалашиб ётибди.

– Маша хола, – деди у бир куни маъюсгина жилмайиб. – Бўйимда бўб қолибди.

– Бунинг йўли осон. Ҳозир нима кўп, хусусий шифохона кўп. Уларга пул бўлса бўлди, – Маша хола уни тинчлантиришга ўтди. – Зинҳор-базинҳор мижозларингга айта кўрма.

– Хола, нималар деяпсиз? Менинг бирдан бир орзуим фарзандли бўлиш...

– Тушунаман. Бироқ отасиз қандай туғасан? Буни ўйлаб кўрдингми? Гувоҳнома ололмайсан-ку. Сен битганинг никоҳига ўтишинг керак, – Маша холанинг бутун фикри-хаёли қизни танлаган йўлидан қайтариш эди. Чунки ким ҳам томиб турган “мулла жиринг” манбасини бой бергиси келади. Шу боис, у яна аврай бошлади:

– Асал қиз, биз анчадан бери она-бола бўлдик. Биласан, менинг ҳам ҳеч кимим йўқ.

– Билмадим... Менинг қарорим қатъий. Иккинчидан, хомилам беш ойдан ошди.

– Йўғ-эй, – Маша хола шундагина ҳайрат билан қизнинг қорнига қаради. У узоқ термилди. – Шунча кун бирга кириб-чиқиб юриб сезмабман. Бироқ бунинг ҳам йўли бор.

– Хола, – деди Дилбар суҳбатга яқун ясаб. – Бундан кейин бу ҳақда гаплашмаймиз.

Шу-шу “она-қиз” ўртасидан оламушук ўтди. Маша хола бундан кейин “мижоз”ларни икки, баъзан уч ҳиссага кўпайтирди. У шу йўл билан Дилбарга азоб бериб, боладан ажралишини хоҳларди.

Ана шундай кунларнинг бирида Дилбарнинг ҳаётига Обидали кириб келди. Бу кириб келиш икки қалб учун қутилмаган муҳаббат қасрини бунёд этди.

\* \* \*

Терговчи калаванинг учини топди. Қотил аниқ. Бироқ уни бўйнига қўйиш қийин. Далиллар етарли эмас. Расуловнинг олдида иккита йўл. Биринчиси тахмин. Иккинчиси эса Обидалининг бўйнига қўйиш.

Расулов биринчи йўлни танлади. У шу хаёллар билан ёрдамчисига қаради.

– Ука, манавини ол-да, бир пачка сигарет олиб кел, – Расулов чўнтагидан бир дона беш юзталик чиқариб берди.

Сўнгра иш столига ўтириб қилинадиган ишлар режасини тузди. Дилбар Ҳамроевнинг ҳаётини чуқур ўрганиш, тутинган онаси Маша хола, эри, кундоши, кўни-қўшнилари билан суҳбатлашиш, вилоятга махсус хабар йўллаш... деб қайд қилиб қўйди ён дафтарига.

Ёрдамчиси олиб келган сигаретдан тутатиб, чуқур-чуқур тортди.

– Салимжон, ёз, – деди ниҳоят у. – Вилоят прокурори Содиқ Ниёзовга махсус хабар...

У махсус хабарга қисқагина қабристондан топилган жасад тафсилотини, воқеа манзилени, экспертиза хулосасини батафсил маълум қилди. Уни ёрдамчисига топшириб, прокурорга қўл қўйдириб, муҳрлатиб, вилоятга жўнатишни тайинлади. Ўзи эса кишлоқ томонга йўл олди.

Обидали уни совуққина кутиб олди. Меҳмонхонага бошламоқчи эди, Расулов: “Шу ерда гаплашаверамиз”, – дея кўнмади. У Обидали билан суҳбатни қоғоз-қаламсиз олиб борди. Ораларида шундай савол-жавоб бўлди:

– Дилбар Ҳамроева кимингиз бўлади?

– Иккинчи хотиним.

– Бирга яшайсизми?

– Ҳа, бирга яшаганман. Олти ойлар бўлди, уйдан чиқиб кетган.

– У биринчи хотинингиз билан жанжаллашиб кетганми? Ё ўзингиз билан?

– Биринчи хотиним билан.

- Сиз уни йўлдан қайтармадингизми?
- Қандай қайтараман? У юзимга оёқ тиради.
- Тушунмадим.
- У бурун жанжаллашганимизда аччиқланиб кетиб, бошқага турмушга чиқибди. Менинг ғуруримни поймол қилди.
- Ҳозир ҳам у йигит билан яшяпти, деб ўйлайсизми?
- Бўлиши мумкин. Яна қайдам?
- Бирор марта сўроқлаб бордингизми?
- Бордим. Бироқ эртаси куни яна Ҳилол билан уришиб кетиб қолди. Шу-шу уни орқасидан излаб бормадим.

Расулов Обидалини сўроқ қилар экан, ундан кўз узмас, гўё унинг башарасидан жинойтчими ё йўқлигини билмоқчи эди. Аммо Обидали ўзини хотиржам тутар, ички ҳиссиётларини англаш мушкул эди. Шу боисдан бўлса керак, савол-жавобни тўхтатди.

- Эртага прокуратурага боринг, қолганини ўша ерда гаплашамиз.
- Ўртоқ начальник, чой-пой дегандай... – терговчига эргашди Обидали.
- Чой қочмас. Яна бир нарса сўрамоқчи эдим. Хабарингиз борми, қабристонда кеча тунда қабр пайдо бўлган экан? Жасадни экспертиза аёл кишиники деб ўйляпти. Аммо у илгари бошқа жойга қўмилган экан.
- Билмасам, турмуш тирикчиликлари билан у ер-бу ерга бориб ишлаб келаман. Айрим кунлар ишлаган хонадонимизда ётиб қолишга тўғри келади.
- Бирор хабарингиз бўлса, эртага айтарсиз, – илмоқли гап ташлади терговчи.

\* \* \*

Расулов марҳуманинг кўни-кўшнилари ҳамда тутинган онаси Маша холадан ҳам аниқ гап ололмади. Терговчи Маша холага Дилбарнинг жасади топилганини айтгандагина у ўзини батамом йўқотиб қўйди.

- У эридан аччиқланиб келгач, Равшан билан яшай бошлаган эди, – деди бир оздан сўнг оғир тин олиб Маша хола. – Мен у ҳали Равшан билан яшаб келяпти, деб ўйлагандим. Ўлимдан хабарим бору бундан асло хабарим йўқ.
- Равшан билан учрашсак бўладими?
- Бўлади, – дея Маша хола у ер-бу ерини тузатгандай бўлиб, кўчанинг нариги бетига ўтди. У хаворанг дарвозали ҳовли ёнига келиб тўхтади ва тугмачани босди.
- Ҳозир! Чиқаяпман, – ичкаридан йўғон товуш эшитилди.

Дарвоза очилиб, барваста қоматли, 35-40 яшар бир эркак чиқди. У Маша холага қараб “хизмат” дегандек қошини чимирди.

- Бу киши терговчи бўладилар. Дилбарни излаб келишибди, – у Расуловни таништириб бўлгач, дангал мақсадга кўчди.
- Ундан хабарим йўқ. Мен билан бир ойча туриб кетди. Бир куни ишдан кеч қайтсам, ҳовлида йўқ экан. Кўшнилари сўрасам... Бир эркак билан аёл олиб кетишди, дейишди улар. Кейин билсам, Обидали билан хотини келиб олиб кетган экан. Ўшандан буён кўрганим йўқ.
- Бўлмаса, сенинг ҳам хабаринг йўқ экан, – Маша холанинг мум тишлаган сабр “тоши” ёрилди. – Дилбарнинг жасадини топишибди...

Терговчи кеча кун бўйи бўлиб ўтган савол-жавобларни хаёлидан кечираркан, қўлидаги охирлаб қолган сигаретини кулдонга эзгилаб, машинкага ўтирди. Лекин негадир қўли ишга бормади...

Обидали прокуратурада терговчининг хонасини қийналмай топди. У эшик тепасида “Терговчи Асад Расулов” деган ёзувга кўз югуртирди-ю, сўнгра эшикни бир-икки тақиллатгач, қия очди. Ичкаридан “киринг” буйроқ оҳангидаги овоз эшитилгач, у кирди.

- Дилбардан хабар борми?– дабдурустан берилган саволга Обидали иккиланиб қолди.
- Ҳозирча йўқ.
- Жасаддан-чи?
- Жасад билан нима ишим бор. У сизларнинг ишларингиз, билсангиз агар.
- Айтмоқчиманки, – Расуловнинг таваккал қилишдан ўзга чораси қолмаган эди. – Экспертининг хулосасига кўра, жасад сенинг иккинчи хотининг — Дилбар Ҳамроеваники бўлиб чиқди. Бундан хабаринг бормиди?

\* \* \*

Обидали тирикчилик мақсадида кишлоқдан шаҳарга келиб иш топди. У шериклари билан уй таъмирлаш ишларига киришди. Кўп ўтмай, соҳибкорга қўшни уйда яшовчи Дилбар билан танишиб олди. Бу ёш қизнинг ҳусну латофати уни ўзига ром қилди. Аста-секин уларнинг ишқий саргузаштлари бошланиб кетди.

Кунлардан бир кун Дилбар Обидалига очиғини айтди:

– Сиз билан бўлмасдан олдин бошқа бировдан ҳомиладор эдим, – дея минг истиҳола билан сўзлади. – Менинг ҳеч кимим йўқ, уй-жойим ҳам. Борадиган манзилим ҳам йўқ. Бироқ сизни...

– Дили, мен ҳам сизни ёқтириб қолганман. Хоҳласангиз, хотиним билан маслаҳатлашиб, уйга олиб кетаман.

– Кундошли хотин бўларканман-да!

– Бу ёғи ўзингизга боғлиқ. Тилни ширин қилсангиз, келишиб кетасизлар.

– Барибир ҳам сизга яхши. Икки хотин икки биқинингизда. Ҳар қалай, кинодаги бойларга ўхшаб кенжа хотиннинг пинжига кўпроқ кирсангиз керак.

– Шунинг учун ҳам сизни танладим-да! Хотиним касал, ногирон. Сиз бўлсангиз, роҳатижонсиз, – Обидали Дилбарнинг нозик белидан қучиб, ўзига тортди. Қайноқ лабларидан бўса олди. Бир муддат бағрида ушлаб турди. Сўнгра ... – Албатта сен, меники бўласан, меники... – дея эхтиросларга берилиб кетди.

\* \* \*

– Ука, саволга жавоб бермадингиз? – Расуловнинг гапидан Обидали ҳушёр тортди. Хаёлга берилиб, терговчининг олдида ўтирганини ҳам унутибди.

– Менинг хотиним. Бўлиши мумкин эмас. Ахир у... – Обидалининг ҳозирги ҳолатини кўрган киши театрда рол ижро этаётган актёрга ўхшатади. У ўзини ростакамига ичи ачиётгандек қилиб кўрсатди. Ҳатто кўзлари ҳам намланди.

– Равшан билан яшаётганлигини айтмоқчимидинг?!

Терговчи Обидалининг фикрини уққанди. “Ўқ бориб нишонга тегдими”, дегандек унга муғомбирона қараб кўйди.

– Ҳа, у билан яшамаганимга анча бўлди.

– Марҳуманинг ҳам ўлганига анча бўлган, – терговчи бошқа сўзга ўрин қолдирмади.

Расулов таваккалидан бир иш чиқишини сизди. У Обидалини борган сари енга бошлаганидан хурсанд эди.

– Ҳамроевани хотинликка олишга нима мажбур қилди?

– Хотиним ногирон эди.

– Майли, чўпчагингга ишонай. Аммо уни нимага ўлдирдинг?

Обидали қилган жиноятдан минг пушаймон бўлса-да, бироқ бўйнига олгиси келмасди. У терговчининг тахмин қилаётганини сезганди. Расуловнинг сўзидан сўнг ўрнидан зўрға турди.

– Ўртоқ терговчи, булар менга тухмат. Мен қандай ўлдиришим мумкин?!

– Бўлмаса, марҳуманинг боласи ҳовлингга нима қилади?

– Дили боласини ташлаб кетди.

– Сенинг боланг эмас-ку?

– Бошқа иложим йўқ. Уни исботлай олмасдим. – Обидали ўзини оқлашга тушди.

\* \* \*

– Ҳолинг шу бўлса... – Обидали хотинига ётиғи билан тушунтира бошлади. – Нима қилибди, кириб-чиқиб юрса? Қайтанга, сенга яхши-ку. Тайёр ҳаммол. Кейин боласи бор. Биласан, у мени қаматиб юбориши ҳеч гапмас. Ундан кейин нима бўлади? Сен етти боланг билан қандай кун кечирасан. Ўйлаб кўр, Ҳилол!

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, болаларингизнинг бўйи етиб қолди. Бугун-эрта қизларингизга совчилар келиши мумкин. Сиз бўлсангиз кимлардан қолган шалоқ бир аёлга илакишиб, уйдаги фаришталарни ҳам қочирасиз. Ҳеч ким сизнинг эшигингизни қоқиб келмайди. Отаси шу бўлса, унинг болалари ҳам шу-да, дейишмайдими? Бу ҳовлида ё у яшайди, ё мен.

– Ўргилай сендан хотин, тушунсанг-чи. Гап у билан яшашда эмас, гап болада ахир.

– Мен сизга айтган эдим, кўчада қолсангиз ҳам уйга етаклаб келманг, деб... Ишончимни поймол қилдингиз, Обид ака!

– Ишонч... ишонч билан иш битмайди. Гап тамом, уни бугундан қолдирмай олиб келаман. Қачонгача кўчада дайдийман? Сен хоҳлайсанми-хоҳламайсанми... Аёлга эрк берсанг шу экан-да!

Алқисса, шунга ўхшаш тортишувлардан сўнг Обидали хотинини кўндирди. Аввалига норози бўлган Ҳилола, қандай рози бўлганини билмай қолди. Эру хотин ўртасида “розилик битими” имзолангач, ўртамиёна тўй билан “ошиқ-маъшуклар” ҳаёти оилавий турмушга айланди.

Обидали Дилбар “енгил” бўлгач, уни тўғри ўз ҳовлисига олиб борди. Чақалоқ йиғиси Ҳилоланинг юрагини бироз бўлса-да эритди.

Орадан уч ой ўтар-ўтмас, Обидали билан Дилбар жанжаллашиб қолди. Жанжал эрининг тарсақиси билан яқунланди. Дилбар илгари яшаган Маша холаникига аччиқланиб кетиб қолди. Бирон ҳафтадан сўнг Обидали биринчи хотини билан Дилбар ва қизалоғини олиб кетди.

Яна бир йилдан сўнг уларнинг ораларидан оламушук ўтди. Бу гал ҳам ҳамма ёғи моматалоқ бўлган Дилбар Маша холаникидан паноҳ топди.

– Юрасанми, эрининг калтагига чидаб. Борма, хоҳласанг бошқа эрга тег. Уларнинг тухуми кўп.

– Тўғри айтасиз, Маша хола. Энди у ҳовлини елкаминг чуқури кўрсин. Ҳар қалай аёлман. Бироқ гуноҳимни юзимга солишларига йўл қўймайман. Яхшиси, бошқага тегаман.

– Ҳа, эсим қурсин! Равшаннинг сенга кўнгли борга ўхшайди. Мендан сен тўғрингда сўрагани. Бечора ёлғиз яшайди. Шунга тегсанг, яхши бўларди.

– Билмадим... Эрга тегиш... Бошим очиқ бўлгани яхшику-я. Бироқ қизимни ўйласам, сиз ҳаққа ўхшайсиз. Бўлмаса, уни қандай боқаман. Майли, оғиз солса йўқ демайман, – деди Дилбар ғамгин.

Маша хола ҳақ бўлиб чиқди. Икки ойдан сўнг Дилбар билан Равшан турмуш қурди. Бу орада Обидали Дилбарни излаб, Равшанниқига борди. Дилбарга у деди, бу деди, қисқаси, яна уни ишонтириб ўз уйига олиб кетди.

\* \* \*

Суриштирув-тергов ишлари дастлабки натижаларини бера бошлади. Обидалининг уйини кўздан кечиришганда, кўп нарса аён бўлди. Маккажўхори экилган 6,4 сотих томорқасининг ичида энига бир, бўйига икки метрли атрофида макка чиқмаган жой бор экан. Бундан ташқари, ўша жой чўккан эди. Эксперт Шамсиддин Холиқов ўз хулосасида: “Илгари мархума шу ерга кўмилган, ҳаво исий бошлаганда жасад сасиган. Шунинг учун жасадни тунда мазорга элтиб кўмишган”, деган жумлаларни ёзиб, терговчи Асад Расуловга берди.

– Назирбек Собирович, – терговчи прокурор билан салом-алик қилгач, ҳозиргина эксперт келтирган хулосани узатди. – Қотил мархуманинг эри бўлиб чиқди.

– Буни бошидан сезгандим. Аммо далил-исбот керак эди.

Прокурор экспертиза хулосасини бошидан охиригача ўқиб чиқди. Сўнгра Асад Расуловга “қойил!” дегандек мамнун жилмайиб қўйди.

– Қотил, яъни Обидали Саломов бу ҳақда нима дейди?

– Ўлган молимни кўмган эдим. Ёзда ҳаво исигач, сасий бошлади. Сўнг нурихамага элтиб кўмдим, – дея ўзини оқламоқчи. Биз экспертиза хулосасини кутмасдан унинг бўйнига қўёлмасдик. Мана, энди ҳаммаси равшан. Рухсат берсангиз, шу бугуноқ қамоққа олинадим.

Прокурор қотилни қамоққа олиш учун ички ишлар бўлимига санкция берди.

\* \* \*

Мудҳиш воқеа кутилмаганда баҳор ойида, экин-тикин экиладиган пайтда содир бўлди. Сабаби ҳам оддий, рашк туфайли. Дилбарнинг эрга теккани Обидалининг қитиғига тегди. Равшан келиб, Дилбарни сўрагани ҳаммасидан ошиб тушди.

Бу ҳам майлига. Обидали Дилбарнинг қизчасини кўтариб, кўчага чиқди. Кўчадан ўтиб кетаётган йўловчи болалардан бирининг гапини эшитиб, тепа сочи тикка бўлди.

– Обид аканинг ҳароми боласи билан керилиб ўтиришини қара-я!

Обидали важоҳат билан ичкарига кирди. Томорқада аҳиллик билан икки хотини ва қизи ер ағдаришаётганини кўриб, тинчигандай бўлди. Аммо ҳалиги зумрашаларнинг гапи суяк-суягидан ўтиб кетганди. Шу боис, Дилбарни уй ичкарисига чақирди.

– Ҳоозир!

Дилбар эрининг дағдағаларини кўриб, оёғини қўлига олди. Зум ўтмай айтилган жойга етиб келди.

– Тирранчалар ҳам билади, боланг ҳаромилигини... Сен бўлсанг... – Обидали Дилбарнинг қўлидан тортиб, силтаб юборди.

– Обидали ака, мени ўзи Худо урган, нима қилай?

– Худо урган бўлса, бандаси ҳам уради!

У жаҳл устида Дилбарнинг қорнига бир-ики мушт туширди. Дилбар муштнинг зарбидан йиқилди. Бундан баттар ранжиган Обидали ўзини тута олмади: хотинини тепкилай бошлади. Бу қанча давом этди, билмайди. Чарчаб, ҳолдан тойди. Бундоқ қараса... Дилбарнинг ҳаммаёғи қон. Энг даҳшатлиси — унинг нафас олиши қийинлашаётган эди.

– Ҳилол! – Обидали ўшқирди. – Бу ёққа кел!

Ҳилола эрининг ўшқирғидан белкуракни қандай қилиб ташлаганини, қандай уйга кирганини билмайди. Дилбарнинг полда қимирламай ётганини кўриб, ҳушидан кетди. Насиба қизи эса абжирлик билан қизчани қўлига олди. Энди олиб кетмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, Дилбар зўрға тилга кирди.

– Насибажон, мени кечиринглар, мен асли Тожикистонданман. Қизимни сизларга топширдим, – дея жимиб қолди.

Насиба кўрққанидан қизчани маҳкам кучоқлаб, амакисининг уйига югуриб кетди.

Обидали мурдани нима қилсам экан, деб боши қотди. У ўйлаб-ўйлаб охири бир қарорга келди. Қоронғи тушгач, мурдани ҳовлисидаги макка экиладиган ернинг четига кўмди.

\* \* \*

Марҳуманинг ҳеч кими йўқ эди. Уни ҳеч ким сўрамади. Ҳатто Маша хола ҳам. Бироқ унинг руҳи, қафансиз кўмилган мурдаси эру хотинларнинг тушига кириб чиқадиган бўлди.

– Обид ака, кечқурунлари мени кимдир бўғизлагандай бўлади, – деди бир куни Ҳилола.

– Менга ҳам шундай. Аммо чидаяпман.

– Гап чидашда эмас, Дилбарнинг руҳи чирқираяпти. Тушунсангиз-чи?

– Бас қил, етар.

– Бас қилмайман. Уни бир ёқлик қилинг.

– Нима қил дейсан, бўлмаса, – Обидали сал юмшади. – Нима қилай, айт?

– Уни мозорга элтиб кўминг. Зора, марҳуманинг руҳи тинчиса...

– Бу сенингча осон-да?

– Осонми, осон эмасми, билмайман. Уни кўзимдан йўқотинг, – гап тамом дегандай Ҳилола орқага ўгирилиб ётди.

Обидали анчагача ухлай олмади. Дилбарни ўйлади. Бирга кечирган ширин лаҳзаларни эслади. Кейин уйқуга кетди. Узоқ ухлаёлмади. Бирдан “дод!” деб юборди. Унинг чинқириғидан ёнида ётган Ҳилола ҳам уйғониб кетди.

Унинг юзини совуқ тер қоплаган. Ҳилола эрига нима бўлаётганини билмай, терларини сочиқ билан артди. Сўнгра улар яна уйқуга кетди.

– Кечир, кечир!!! – Обидали яна алаҳсираб чикди.

Ҳилоланинг сабри чидамади. Эрталаб яна эрига ёрилди.

– Мени тинч ухлагани қўясизми ёки йўқми?

– Яна нима бўлди, – деди Обидали ўзини билмаганга олиб.

– Ярим тунда одамни кўрқитасиз, бу кетишда юрагим ёрилмаса, гўрға эди.

– Ҳеч жин урмайди сени.

– Сизни одам деб гапириб ўтирибман-а! – Ҳилоланинг ростакамига жаҳли чикди.

Бироқ қўлидан ҳеч нарса келмас эди. Милицияга бориб айтса, эридан жудо бўлади. Болаларининг отаси ҳар қалай!

Рўзғори эри ишлаб келаётган пулга аранг ўтиб турибди. Эри қамаладиган бўлса, болаларини қандай боқади, ахир! Икки ўт ичида қолди. Яхшиси айтмагани маъкул. Қийналсаям, чидайди! Аёлларнинг жони қирқта-ку! Қолгани бир гап бўлар...

Обидали кечқурун ичиб ётмаса, ухлаёлмайдиган бўлиб қолди. Туни билан тўлғониб, кўз олдида Дилбар кўринаверади. Кунлар шу зайлда ўтаверди. Баҳор ўтди. Ёз ҳам яримлаб қолди.

Бир куни Обидали мурда кўмилган жойга бориб қараса, у хид чиқара бошлабди. Нима қиларини билмай қолди. Қўшнилари сезиб қолса борми, ҳолига маймунлар йиғлайди. “Олдини олиш керак”, деди ўзига-ўзи. Унинг дардига яна бир дард қўшилди. “Бугун бунга бир ёқлик қилмасам, эртага ҳаммага шарманда бўламан”, – кўнглидан ўтказди у. Сўнгра мурдани кўмилган жойидан қазиб олди. Уни оқ рангли синтетика матодан тикилган халтага буклаб жойлади. Қоронғу тушгач, уйи олдидаги “Чормашойих” қабрисонига елкалаб олиб борди ва чуқурча қазиб мурдани кўмди...

\* \* \*

Эндиги навбат терговчи томонидан Обидали Саломовнинг қотиллигини исботлаб бериш эди. Расулов у билан очикчасига суҳбат қурди. Экспертиза хулосасида белгилаб қўйилган ёзувларни қайта ўқиб чиққач, у нафрат аралаш Обидалига деди:

– Маккажўхори ичидаги чуқурчага ҳалиям мол кўмилганлигини қайтармоқчимисан? – деб Обидалига синчковлик билан тикилди.

– Нима десам ишонасиз? – чайналди Обидали хумдек бошини сараклатиб.

– Эътиборинг учун у ерда мол кўмилмаганлигини мана экспертиза хулосаси тасдиқлаб турибди. – Меровсираган қотилнинг кўзларига кўзларини қадади Расулов.

– Бўлиши мумкин... Аммо мен Дилбарни ўлдирмаганман, – минғирлади Обидали.

– Экспертизада яна шу нарса аён бўлдики, жасаддаги бармоқ излари фақатгина сенга тегишли экан. Бошқа из топилмади, – терговчи Обидалининг кўзидан кўзини ҳамон узмасди.

– Ўлдирмоқчи эмасдим, хуморим босилгунча калтакламоқчи бўлгандим. Бироқ тескариси бўлди. У ўлиб қолди, ўлиб қолди... – дея олди Обидали.

Сўнгра Асад Расулов жинойт ишини яқунлаб, айблов хулосасини судга оширди.

Мирзо Аҳад

### КЕЧИККАН СОҒИНЧ

Чўл худудида жойлашган кўрғонда бир киши пайдо бўлиб қолди. У икки кун атрофни айланиб юрди. Учинчи куни эрталаб эса ўлиги топилди. У тунги соат тўққиз-ўн бирлар орасида ўлдирилганди. Воқеа жойидан жинойт қуроли — чилвир топилди. Дастлабки тергов жараёнида гувоҳлар уни ўша ерлик Жамол Олимов деган йигит билан кўрганликларини айтишди. Жамол кўлга олинган пайтда унинг ёнидан марҳумга тегишли соат чиқди.

Воқеа содир бўлган тунда Жамол ҳақиқатан ҳам марҳумни учратганини тан олди. Ёнидан чиққан соат марҳумнинг мулкига эга бўлиш учун аввал унинг бошига ғўла билан уриб, кейин бўғиб ўлдирган, деган хулосага сабаб бўларди.

Адвокатликка Шавкат Шарипов тайинланди. У айбланувчи билан савол-жавоб қилди.

– Қани, 26 июл кунги воқеаларни батафсил гапириб беринг-чи.

Айбланувчи Жамол стулда букчайиб ўтирар, қўллари хиёл титрарди. У томоғини қириб, адвокатга қарамасликка ҳаракат қилганча сўз бошлади.

Айбланувчи Жамол стулда букчайиб ўтирар, қўллари хиёл титрарди. У томоғини қириб, адвокатга қарамасликка ҳаракат қилганча сўз бошлади.

– Мен анча вақт ишсиз юрдим. Отамнинг сўқишлари, кесатишлари жонимга тегиб кетди. Охири шаҳардан иш топдим. Кейин биринчи маошимни олдим. Шуни ювмоқчи бўлдим.

– Демак, ўша куни пулингиз бўлган?

– Ҳа, етарли пулим бор эди.

«Пул учун ўлдирганига шубҳа бор», дея қайд қилди адвокат дафтарига.

– Марҳум Маъруф Ҳакимовни танирмидингиз? – савол беришда давом этди адвокат.

– Йўқ, биринчи кўришим, – деди Жамол астойдил. – Ўша куни соат иккида дўконга ароққа кирдим. У сотувчи билан ҳазил-хузул қилиб гаплашиб турган экан. Энди ароқ олувдим, Ботир деган ошнам закуска кўтариб келиб қолди. Иккаламиз дарё бўйига қараб кетдик. Дам олиб гаплашиб ўтирдик. Кейин... арақ тугаб қолди...

– Ҳар доимгидай.

– Ҳа, – Жамолнинг чехраси сал очилгандай бўлди. – Ўзингиз тушунасиз-ку. Соат тўққизлар эди. Яна олиб келмоқчи бўлдим. Тезроқ бориш учун томорқаларни оралаб кетдим. Йўлда ўша кишини учратиб қолдим. Мендан сигарет сўради. Гаплашиб қолдик. Жуда яхши одам экан. Кўп жойларда бўлибди. Анча вақт гаплашиб турдик. Кейин хайрлашдик.

«Ўзи ўлдирган одам тўғрисида яхши фикр билдириши мумкинми?» деган саволни ёзиб қўйди адвокат. Кейин яна савол берди:

– Унинг соати қандай қўлингизга тушиб қолди?

Жамол биринчи марта адвокатга тик қаради ва елкасини қисди.

– Ўзи совға қилди! Ўлай агар ўзи совға қилди! Бир кути сигарет ҳам берди.

– Қанақасига бор-йўғи иккинчи марта кўраётган одамнингиз шундай қиммат нарсани совға қилади? Кейин эрталаб ўлиги топилади?

Айбланувчи ерга қаради.

– Биласизми, агар кайфим бўлмаганда сира ҳам олмас эдим. Соатни нима қиламан? Лекин у шунақа одам эдики, ҳар кимни йўлга сола олар эди. Мажбур қилди, кўлимга тутқазиб туриб олди.

«Яна марҳумни мактаяпти». Адвокат пича ўйланиб қолди.

– Хўп, айтинг-чи, унинг ёнида сигарети бор экан, нимага сиздан сўради?

– Мен ҳам ҳайрон бўлдим.

– Кўлингиз нимага тилинган?

– Дадам билан учрашиб қолдим. Унга кўринмоқчи эмасдим, ўзи йўлимдан чиқди. Маст эди. Онам ўлгандан кейин ҳар куни ичади. Одамлар ундан кўрқади. У мендан пул сўради, ваъз ўқиди, менга ташлана бошлади. Уни тинчлантирмоқчи бўлдим.

– Дадангиз билан мурасаларинг ёмонми?

– Ҳа, онам ўлгандан кейин жиннига ўхшаб қолган. Мени уйдан ҳайдаб юборди. – Жамол хўрсинди. – Дўконга борсам, ёпилиб қолган экан. Бошқа йўл билан қайтдим. Чунки Маъруф ака билан учрашиб қолсам, узоқ вақт кўйиб юбормас эди. Борсам, ошнам Ботир ухлаб ётибди. Ароқсиз борганим учун у билан жанжаллашиб қолдик. Кейин у аччиқ қилиб уйига жўнади. Мен ҳам уйимизга келиб, дадамга билдирмай томга чиқиб ётдим. Эрталаб ушлаб келишди.

Адвокат гувоҳлар билан учрашиш учун бораркан, бошида турли ўй, фикрлар ғужғон ўйнади. «Айбланувчи самимий гапиряпти. Саволларга жавоблари аниқ, ҳаммаси мос келади. Жиноят қуроллари — ғўла ва чилвирда бармоқ излари йўқ. Гувоҳлар уни жиноят устида кўришмаган... Фақат соат! Асосий далил соат!»

Мурдани дастлаб эрталаб дарё бўйидан кетаётган аёл кўрган. У даҳшатдан қичқириб юборибди. Марҳум икки кун уникида яшаган экан. Аёл томорқасида ишлаб турган экан, ўша киши келиб автобус шаҳарга қачон жўнашини сўрабди. «Бугун кечикдингиз», дебди аёл. Меҳмон ниҳоятда хушмуомала, жилмайиб турганмиш. «Менинг тунайдиган жойим йўқ», дебди у. Аёл уйига таклиф қилибди.

Воқеа содир бўлган куни аёл овқат тайёрлабди. Уни чақирмоқчи экан. Кўчада айбланувчи билан гаплашиб, кулишиб турганини кўрибди. Сухбатларини бўлгиси келмабди. Кейин уни бошқа кўрмабди. Бирга ичгани кетишган, деб ўйлабди. Чунки Жамол маошини «ювиб» юрганини биларкан.

– Нима учун келганини айтмадимми? – сўради адвокат.

– Мен сўрадим. Айтишича, ўзининг бахтини кўргани келган, лекин кечикибди.

Жамолнинг ошнаси Ботир шундай кўрсатма берди:

– Мен ишсизман. Ўша куни Жамол мукофот олибди. Дарё бўйида дам олиб ўтирдик, ҳеч кимга текканимиз йўқ. Бу орада ароғимиз тугаб қолди. Жамол дўконга югуриб бориб келмоқчи бўлди. Оқ йўл тиладим. Шу билан йўқолди-кетди. Мен ухлаб қолибман. Бир соат бўлмади. Қайтганда қарасам, ароқ йўқ, ўзи ичибди. Битта одам ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришга тушди. Ўта сахий эмиш. Соат совға қилди, деб кўрсатди. Ўша куни у менга пул кераклиги, ўқишга кирмоқчилигини айтди. Нима қилардим, уйга кетдим. Яширган пулим бор эди...

– Марҳум билан ўша куни учрашдингизми?

Ботир лабини буриб, қўл силтади. Кесатиқ билан жавоб берди:

– Кўрдим ўша пижонни дўконда. Кундузи соат иккиларда. Туриб олиб сотувчига гап сотаяпти, пижон. Унга замечаний қилдим. Шундан кейин уни бошқа кўрмадим. – У ўзича жаврай-жаврай алпанг-талпанг қадам ташлаганча жўнаб кетди.

Дўкончининг айтишича, воқеа бошқача бўлган экан.

– Ўша одам кириб сигарет, зажигалка олди, – дея гап бошлади у харидор қизчага чиқиб тур ишорасини қилиб. – Мен билан гаплаша бошлади. Қувноқ одам экан, ҳазилкаш. Кейин Жамол кирди. Жамол чиқиб кетгандан кейин у ҳақида суриштирди. Мен айтиб бердим. Шу пайт Ботир пайдо бўлди-да, ўзидан-ўзи ўша одамга ёпишиб кетди. Эрталабдан ичиб олган, кимга кесак отишини билмай юрганди. Меҳмон уни шартта полга йиқитиб ташлади. Ботир эмаклаганча «Ҳали яна учрашамиз!» деб ғўлдиради.

Адвокат папкасидан Жамолнинг ёнидан чиққан соат суратини олди.

– Мана бу соат сизга танишми?

– Ҳа, – жавоб берди сотувчи, – ўша одамнинг қўлида эди. Жуда бошқача бўлгани учун эсимда қолди.

Адвокат бирор қарорга келолмай ортга қайтаркан, «Соат! Соат!» деган сўз миясини пармаларди. Ростдан ҳам совға қилгандир, лекин бундан қандай исботлайди? Уни орқадан кимдир чақиргандай бўлди. Ўгирилиб, ўзи томон келаётган кампирни кўрди. Тўхтаб уни кутиб турди.

– Ассалому алайкум, – саломлашди кампир ҳансираб. – Сиз оқловчимисиз?  
 – Ваалайкум-ассалом... Ҳа, адвокатман.  
 – Мен сизга бир нарсани айтмоқчи эдим. Бундан ўн саккиз йил олдин мен санаторияда директор эдим. Синглим ёнимга дам олишга борди...  
 – Синглингиз ким? – сўради адвокат тушунмай.  
 – Синглим — сизлар қамаб қўйган Жамолнинг ўлган онаси.  
 – Хўш-хўш?  
 – Санаторияда у Маъруф билан танишиб қолди.  
 – Дарё бўйидан ўлиги топилган одамни айтяпсизми?  
 – Ҳа, болам... Синглим жуда чиройли эди. Икковлари чиройли жуфтлик бўлишди. Бир-бирини яхши кўриб қолишди. Мен синглим тараф эдим. У дунёга келиб нима кўрди? Сассиқ пиянистаними? Хуллас, болам, Жалол ҳозирги отасининг фарзанди эмас. Бундан фарзанд бўлмайди. Маъруф ўғлини олиб кетгани келган экан. Улгурмади...  
 Шавкат Шариповнинг миясида чакмоқ чакқандай бўлди. «Мана, нима учун соат совға қилган экан!!!»  
 Жамол оқланди. Қайта тергов бошланиб, қотил Ботир бўлиб чикди.

Ориф Фармон  
 Ўқолган хайкалча

Кеч куз бўлса-да, кўплаб совуққа чидамли дарахтлар ҳануз баргини тўкмаган. Фақат барглар қовжирагандай заъфарон тусда, айримларнинг ярми яшил, ярми сарғиш. Ҳаво тўлиққан, лекин ёмғир ёға олмаяпти, гоҳ исиб, гоҳ совиб турибди. Бундай пайтда одам кўчага қандай кийим кийиб чиқишини ҳам билмайди.

Терговчилар машинадан тушишлари билан юзларига изғирин шамол урилди. Майор Қодир Санжаров бурнининг учини ушлади.

– Ух, чимчилади-ку, – деди жилмайиб. – Қор ёғади, шекилли.  
 – Тўрт кундан кейин қиш ахир, – деди катта лейтенант Каримжон Назаров. – Илгари қанақа қорлар бўлардики...  
 – Ҳа, қордан ғор казиб ўйнаганларимиз ёдимда.  
 Улар тўккиз қаватли бинонинг нариги бошига қараб юрдилар.  
 – Учинчи подъезд анаву шекилли? – деди Санжаров.  
 – Ҳа, ўша.

Терговчилар иккинчи қаватга кўтарилдилар. Каримжон энди қўлини кўнғироқ тугмасига чўзган эди ҳамки, темир эшик очилди. Эгаси деразадан қараб турган чамаси.

– Милицияданми? – сўради эшикни очган қорачадан келган, жиккаккина гавдали тепакал киши.  
 – Милициядан, – деди Қодир гувоҳномасини кўрсатиб. – Ассалому алайкум.  
 – Ваалайкум... Киринглар, кириглар. Кутиб ўтиргандик. – Уй эгаси Амрилла ака уларни ичкарига бошлади.

Хона ўртасида қотиб турган думалоқ юзли, кўзойнак таққан аёл салом бериб ошхона томонга ўтиб кетди. Амрилла ака ходимларни креслоларга ўтказди. Бирпас жим қолдилар.

– Воқеани тўлиқ гапириб беринг, – жимликни бузди Қодир.  
 Амрилла бошини чайқаб, кафтига йўталди.  
 – Ҳм, нима дейишга ҳайронман. Ишдан келиб эшикни калитим билан очиб уйга кирдим. Ҳаммаси одатдагидай эди. Агар пул ташланадиган мушук хайкалча йўқлигини пайқамганимда, ўғрилиқ бўлганини билмасдим ҳам. Хотин бирор жойга қўйгандир, деб бошқа хоналарни қараб чикдим. Тополмаганимдан кейин яшириб қўйилган пулни текширдим. Юрагим «шув» этди. Пул йўқ эди.  
 – Қанча эди?  
 – Ўн минг доллар. Қулф, эшик бузилмаган...  
 – Деразалар маҳкамми?  
 – Ҳа, иккинчи қават бўлса ҳам панжара қоқтирганман. Ўғрига қаватнинг аҳамияти йўқ-ку. – Амрилла аччиқ ишшайди. – Томдан арконда осилиб ҳам тушяпти.

Қодир ўрнидан турди.  
 – Хоналарни бир айланиб чиқайлик-чи, – деди у атрофга аланглаб.  
 – Ҳа, қани юринглар. Мана, панжараси жойида. Нариги томонники ҳам мустаҳкам.  
 Улар айланиб залга қайтишди.

– Уйда эр-хотин, ўғлингиз яшайсизларми? – сўради Қодир. – Кейинги кунлар уйингизга ҳеч ким келмадимми? Балки ўша...

– Билмадим, билмадим.

– Ёки ўғлингиз...

Каримжоннинг гапи оғзида қолди, чой олиб кирган келинойи жон-жаҳди билан ўғлини ҳимоя қила кетди.

– Икки дунёда ҳам ўғлимнинг кўлидан келмайди бу иш! Ҳалол тарбиялаганмиз. Бировга берса берадики... Битта чўп бўлса ҳам сўраб олади. Кейин, сўраса ўзимиз бермасмидик. Ҳеч нарсдан камчилиги йўқ. Тўғри, аввал ўқишни битирсин, деб ҳар хил ҳавойи ҳавасларини қилиб беравермаймиз. Аммо ҳеч қачон ўғрилиқ қилиш даражасига бормади.

Амрилла ака тиззаларига шапатиланганча хотинига кўшилди:

– Уни роса қийин-қистовга олдик.

– Лекин ўғри калит билан очиб кирган-ку? – деди Каримжон. – Бошқа яна кимда калит бўлиши мумкин?

– Замира-да! – Келинойи зарда қилиб гапираётгани учун орқасига сирғалиб тушган рўмолини тузатди. – Ана ўша пастнинг иши бу!

– Замира ким, тушунтириб гапиринг, – деди Қодиржон.

– Ўғлим уни севиб қолганмиш. Чет элда ўқишдан ҳам воз кечиб ўшанга уйланмоқчилар тантибойвачча. Бизнинг тенгимиз эмас у. Ўғлим ўшани деб дадаси билан жанжаллашадиган, юзига тик қарайдиган бўлиб қолди.

Қодиржон дафтгарчасига алланималарни ёзиб ўтирди-да, деди:

– Каримжон, экспертни чақиринг. Бармоқ изларини аниқласинчи.

Каримжон чўнтагидан уяли телефонини олганча йўлакка чиқди.

– Қиз бошиданок менга ёқмади, – давом этди келинойи. – Нимадир қилмоқчига ўхшайверади. Ўзини жуда яхши кўрсатишга уринади.

Терговчилар кўни-кўшниларидан бу хонадонга кимлар келиб-кетганини суриштирдилар. Гувоҳ ҳам топилди — бир аёл мушук ҳайкалчасини кўтарган қизни кўрган экан. Масалага аниқлик киргандай эди. Терговчилар Замирани қидириб ётоқхонага боришди, лекин қиз холасиникига кетиб қолган экан.

\*\*\*

Замира терговчи Қодир Санжаровнинг ёнига тушдан кейин кирди. Бирга келган холаси йўлакда қолди.

– Сиз Амрилла Фозиловни танийсизми? – сўради терговчи тортмадан қоғоз оларкан.

– Танийман, – секин шивирлади қиз ердан кўзини узмай.

– Қаердан танийсиз?

– Ўғли Темур орқали. Бирга уйларига борганман.

– Улар сизни ўғрилиқда гумон қилишяпти.

Қиз намли кўзларини артди, бошини эгди.

– Мен ёмонлик қилмоқчи эмасдим.

– Демак, ўғрилигингизни тан оласиз?

Замира калласини қимирлатди.

– Сира ёмонлик қилмоқчи эмасдим.

– Сизга шунча пул нима учун керак бўлиб қолди?

Қиз бошини илкис кўтарди, маъюс кўзлари катта-катта очилиб, пайваста қошлари чимирилди.

– Пул олганим йўқ! Ўлай агар олган бўлсам! Мушукчани олдим, аммо унинг ичидаги пулга текканим йўқ!

– Яширилган жойидан ўн минг доллар йўқолган. Уйга эса сиздан бошқа бегона одам кирмаган.

Замира довдиради, озгин елкалари титради.

– Мен олганим йўқ! – деди у қақшаб.

Қиз шундай самимий гапирдики, терговчининг унга ишонгиси келар, лекин буни асослаши лозим эди.

– Эшиқда, калитда бармоқ изларингиз бор... Хўп, уйнинг калитини қаердан олдингиз?

– Темурга билдирмай унинг калитидан нусха ясаттирдим. Лекин пулни олганим йўқ.

Шу пайт эшик очилиб, бир ходим Темур ота-онаси билан келганини билдирди.

– Аввал Темурни чақиринг, – деди терговчи. Кейин Замирага юзланди: – Сиз чиқиб туринг.

- Темур кириб терговчининг қаршисига ўтирди. Қўлларини қаёққа қўйишни билмай довдиради.
- Уйингиздаги ўғрилик ҳақида нима дейсиз? – сўради Қодиржон.
- Темур бурнини тортиб, пешонасини уқалади. Кейин секин гап бошлади:
- Уйга келсам, эшик очик, қулфда калит осилиб турибди. Ичкарига кирдим, ҳеч ким йўқ. Ўзим очик ташлаб кетдиммикин, деб ҳам ўйладим. Лекин қарасам, калитим чўнтагимда, қулфдаги бошқа калит. Залга кирган пайтимда кимдир ваннахонадан чикиб пастга қочди. То мен чиққунимча кетиб бўлди. Шошиб стол тортмасини очдим, пул турибди. «Ўғридан кўришади», деб ўйлаб ёнимга солдим-да, дала ҳовлига кетдим. Замиранинг айби йўқ, мен олганман.
- Нега ота-онангизга аввал айтмай энди айтяпсиз?
- Мен Замирадан кўришларини билмагандим. Мана, яхши кўрган қизимни айбдор қилиб қўйдим! – Темур тишларини қисирлатди. Қўллари мушт бўлиб тугилди.
- Қодиржон ручкани лабига босганча ўйланиб ўтирди-да, телефон гўшагини кўтарди:
- Файзиев, жабрланувчиларни олиб кириг, айбланувчини ҳам.
- Хонага Темурнинг ота-онаси, Замира киришди. Келинойи ўтирмасданоқ захрини сочди:
- Ўғрини топибсизлар-ку! Мен бошидаёқ айтгандим, бундан яхшилик кутма, деб! Мана, оқибати! Дарров пулни топиб бер!
- Ойи, пулни мен олганман! – деди Темур ўрнидан туриб.
- Сен ҳалиям шу пастни деб турибсанми, нонкўр! Бошингни шундай айлантирибдики, яқинда жиннихонага тушасан!
- Қодиржон уларни тартибга чақирди:
- Тартиб сақланглар, қаердаликларингни унутманглар! Ҳозир ҳаммасини оидинлаштирамиз. Ўтиринглар.
- Амрилла ака юрагини ғижимлади, ортиқ гапиролмади.
- Ўрнига хотини жаврай кетди:
- Ёлғон! Ёлғон-а, болам?! Наҳотки ўз ота-онангга шундай қилдинг? Кўзимнинг оқу қораси сенсан-ку! Ёлғон дегин, жон болам!
- Йўқ, ойи, рост. Замиранинг сира айби йўқ! – деди Темур астойдил.
- Ҳайкалчани ким олган? – сўради терговчи.
- Билмайман.
- Нега бундай қилдинг, Темур? Ахир ўзингнинг пулларинг эди-ку! – деди Амрилла ака ҳорғин.
- Кватира сотиб олиб ўзим яшамокчи эдим.
- Темурнинг онаси сапчиб турди ва қўлини Замира томон силтаганча хонани бошига кўтарди:
- Пулни анаву дайди ўғирлаган! Ўғлимни жинни қилиб қўйган! Нима ичирганини текшириб кўриш керак!
- Мана пулингиз! – Темур жаҳл билан бориб пулни онасига тутқазди.
- Онаси барибир бўш келмади:
- Бировлардан қарз олгандирсан! Анаву пастни биздан ортиқ кўрасан, унинг учун ҳамма нарсага тайёрсан. Тарбиялаб, едириб-ичирган ота-онангдан воз кечяпсан-а. Ўғри қизни камаш керак, бўлмаса яна бошқаларни ҳам балоларга гирифтор қилади.
- Замирада айб йўқ, – деди Темур титраб. – Мен бунақа ҳалол одамни умримда учратмаганман.
- Қодиржон столни тақиллатиб уларни тартибга чақирди. Кейин Темурга юзланди:
- Темур, Замира билан қандай танишгансизлар?
- Бир куни уйда ўтирсам, у дадамга буюртма хат олиб келди. Пochтада ишларкан. Менга ёкиб қолди, чойга таклиф қилдим...
- Дадангиз хатни олдимми?
- Ҳа. Хат бошқа одамга экан, адашибди.
- Терговчи Замирага савол берди:
- Замира, почтада ишлаганмисиз?
- Қиз тирноғига тикилганча индамай ўтираверди.
- Ҳеч қачон почтада ишламагансиз. Демак, сиз Темурнинг уйига киришга баҳона қидиргансиз. Нима учун?
- Темурнинг кўзлари аланг-жалаң бўлиб қолди ва титраб сўради:
- Замира, наҳотки ҳаммасини атайин уюштирдинг? Мени алдадингми?
- Фақат бир марта алдадим.

- Терговчи саволини такрорлади:
- Замира, жавоб беринг, нима учун уйга кирмоқчи бўлдингиз?
  - Қиз бирпас каловланди, кейин секингина деди:
  - Дадамни кўрмоқчи эдим.
  - Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Бу воқеаларга даданинг нима алоқаси бор? Хонага пашша учса билингудай сукунат чўкди. Уни очилган эшик овози бузди. Остонада бир кампир кўринди.
  - Нимага мени чақирмаяпсизлар? – сўради у.
  - Терговчи бошини кўтарди.
  - Сиз кимсиз?
  - Мен Замиранинг холаси бўламан, айланай.
  - Шундайми? Киринг, кириг.
  - Кампир қайси стулни танлашни билмай бирпас қараб турди ва биттасига омонатгина ўтирди. Ранги оқарганча атрофга аланглади. Терговчи сўроқни давом эттирди:
  - Замира, дадамни кўрмоқчи эдим, дедингизми? Дадангиз ким?
  - Қиз кўзини ердан узмай деди:
  - Фозилов Амрилла ака...
  - Амрилла ака ирғиб ўрнидан турди.
  - Нима?! Менинг қизим йўқ! Битта ўғлим бор, холос. Нималар деб валдираяпсан?!
  - Кампир ияги қалтираганча унга бақирди:
  - Ҳов, ярамас! Қизингни тан олмаяпсанми? Синглим — мана шу қизнинг онаси билан юриб-юриб, бир вақт бошқасини топибди. Агар ўшанга уйланса, яхши иш беришмоқчи экан. Бу ярамас роса каловланди: яхши кўргангани десинми, лавозимними? Охири, бир куни синглимнинг ёнига келиб, тиз чўкиб, сени севаман, лекин умрим ўтиб кетади. Бундан кейин қачон лавозим насиб этади, билмайман, дебди. Синглим ҳомиладор экан, буни хиёнатчига билдирмаган.
  - Амрилла ака юрагини чангаллаганча оғир-оғир нафас ола бошлади.
  - Нимага билдирмаган? – сўради терговчи.
  - У ўлгудай мағрур эди. Агар айтса, болани баҳона қилиб буни ушлаб қолишга уриниш бўладими? Кейин бир умр дакки эшитиб яшайдими? Синглим индамади, ҳомиласи катталашгани учун бошқа жойга кўчиб кетди. Мана, икки ой аввал ўлди шўрлик...
  - Замира бошини кўтарди, мактабдаги одати бўйича ўрнидан турди.
  - Онам ўлиmidан олдин айтиб берди, – гап бошлади у бу гал анча дадил. – Онам хиёнати учун дадамдан ўч олмоқчи бўлган экан. Пул ташланадиган мушук ҳайкалчасини сотиб олибди-да, ичига термометрларни синдириб йиққан симобни куйибди. Дадамнинг тўйи куни бир киши орқали совға деб бериб юборибди. Симоб доим буғланиб турса, ўпка орқали қон, буйрак, мияга ўтиб касал қиларкан. Онам кейин роса афсусланибди, лекин ҳеч нарса қилолмабди. Фақат ҳайкалчани ташлаб юборгандир, деб ўзини юпатаркан. Жуда виждони қийналиб ўлди.
  - Кейин сиз нима қилдингиз?
  - Мен онам айтган исм-шариф, ишхона бўйича дадамни топдим. Аҳволларини суриштирдим, оғир экан. Почтачиман деб уйларига бордим. Қарасам, ҳайкалча турибди. Кўрқиб кетдим. Қандай қилиб бўлса ҳам уни ўғирлашим керак эди. Охири ўғирладим, далага олиб бориб кўмиб ташладим...
  - Мени кечир! – Амрилла аканинг нохуш овозидан ҳамма чўчиб тушди...

**IZOH:** Ushbu hikoyalar to'plami turli jurnal, gazeta, sayt, kitoblardan olinayotgani bois ularning ba'zilari kirill, ayrimlari lotin harflarida keltirilmoqda. Buni siz savodsizlikka yo'yimaysiz degan umiddaman.  
**FIKR VA MULOHAZALAR UCHUN:** <https://t.me/atahiya> [Muzrob Raxmatov]